

Бугун Миллий кутубхонада “Муштум” журналининг 94 йиллигибағишиланган нашр ижодкорлари билан ижодий учрашув ўтказилади



14 марта куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Муштум” журналининг 94 йиллиги муносабати билан журнал ижодкорлари билан “Ҳамон сафда, ҳамон ҳақгўй” деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтади. “Муштум” ҳажвий журнали 1-сони 1923 йил 18 февралда “Туркистон” газетасининг иловаси сифатида (3000 нусхада) чоп этилди. 1924 йилдан эса “Қизил Ўзбекистон” газетасининг нашри сифатида чоп этилган. Журналнинг 1-сонида унинг ташкилотчиларидан бири А. Қодирийнинг “Муштум таърифида” бош мақоласи берилган. “Муштум”га турли йилларда ижод қилган Ғози Юнус, Ҷўлпон, Ҳожи Муин, Рафик Мўмин, Ғафур Ғулом, Комил Алиев, Абдулла Қаххор, Носир Сайд, Ғайратий, Собир Абдулла, Сайд Аҳмад, Анвар Муқимов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва бошқа ижодкорлар ўз асарлари билан иштирок этганлар. “Муштум” журналида чоп этилган кўпгина ҳажвий асарлар адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Масалан, F. Ғуломнинг “Шум бола” асари, А. Қаххор ва С. Аҳмад ҳажвиялари, Э. Воҳидовнинг “Донишқишлоқ

ҳангомалари”, А.Ориповнинг “Жаннатга йўл” драмаси. Ўзлаб танқидий мақолалар, фельетонлар жамиятни турли иллатлардан тозалашда “Муштум”нинг асосий қуорли ҳисобланган. Халол ва ошкора танқид жамият ва одамлар учун ҳақиқий малҳам булишига эришиш журналнинг бош мезони ҳисобланади. Журнал ўз фаолиятида турли ижодий шакллардан, жумладан Насриддин Афанди, Алдар Кўса каби халқ оғзаки ижодидаги образлардан кенг фойдаланади. Унинг саҳифаларида муҳим воқеаларга багишланган фельетон, памфлет, ҳажвия, ўртоқлик ҳазиллари ва бошқа қизиқарли танқидий материаллар ёритилади. 1998 йил 28 августда журналнинг ҳафталик иловаси “Афанди” газетаси ташкил этилган. Газетада даврнинг долзарб муаммолари, танқидий мақолалар ҳам кенг ёритилади. “Муштум” ўз карикатуралари билан ҳам машҳур. Унинг биринчи рассоми Иштван Тулля бўлган, кейинчалик журналда турли йилларда Т.Мухамедов, Д. Синицкий, М. Воробейников, Н.Иброҳимов, А.Холиқов, С. Субҳонов, А.Қамбаров, С.Салоҳиддинов, Ҳ.Содиқов ва бошқалар ишлаган ва ишлаб келмоқдалар. “Муштум”га Фози Юнус, Зиё Said, F.Фафуров, Ҳусайн Шамс, Ж.Махмудов, М. Мухамедов, Акмал Пўлат, З.Йўлдошев, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Н. Аминов, Максуд Қориев ва бошқалар мухаррирлик қилган.